
Умумтаълим муассасаларида манфаатлар тўқнашуви: муаммо ва ечимлар

Жадаллик билан ўзгараётган дунё ҳозирги кунда хатоларни кечирмайди. энди ривожланиш йўлига кираётган давлатда эса хатолар янада аянчли оқибатларга олиб келади. Шундай хатолардан бири коррупциядир. Бу иллатнинг бир неча кўринишлари, турлари мавжуд. Булар бир-бирларидан маълум маънода фарқ қилса-да, оқибати ҳаммаша фожиалидир. Коррупциянинг энг хавфли кўринишларидан бири бу - непотизмдир.

Непотизм-бу лотинча “непос”-уруғ, зот, насл, сулола, “непотис”- набира, жиян сўзларидан олинган. Непотизм-коррупциянинг бир кўриниши бўлиб, сиёсатда, иш, лавозимга эришишда, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда шахсларнинг қобилияти, билими, маълумотига эмас, балки уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайничиликка ён босиш, қўллаб-қувватлаш, шароит яратиш бериш шаклида намоён бўлади.

Непотизм шаклидаги коррупция юзага келганида сулолалар, уруғлар давлатнинг, иқтисодий секторнинг муҳим механизмларини эгаллай бошлайди. Бунинг натижасида улардаги уруғчилик, сулолавий дахлсизлик имконияти сабаб кишиларда адолатли бошқарув, адолатли судлов ва адолатли тақсимотга нисбатан ишончсизлик кучаяди. Жамиятда ривожланиш тўхтади, таназзул бошланади.

Қонун ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, қонунчилик ҳужжатларининг ўзи коррупциянинг мазкур турини олдини олиш учун чора-табдирлар белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 79-моддасида “Ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

Бу қоидадан истиснолар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланиши мумкин.” деб белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан давлат (акционерлик) корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 79-моддасида назарда тутилган қариндош-уруғларнинг, агар уларнинг хизматлари улардан бирининг бошқасига бевосита бўйсунуши ёки назорати остида бўлиши билан боғлиқ бўлса, бирга хизмат қилишларини чеклаш қоидаларидан истисно этилиши мумкин бўлган ходимлари рўйхати тасдиқланган бўлиб, мазкур рўйхатнинг 6-бандида барча ўқув ва тарбия муассасаларидаги бирга хизмат қилишлари мумкин бўлган қуйидаги ходимлар кўрсатилган тутилган:

- педагог ходимлар;

ўқитувчилар;

- библиографлар;

- кутубхоначилар.

Мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжат нормаси талабларига асосан ўқув ва тарбия муассасаларида юқоридаги ходимлардан бошқа бир-бирига бўйсунувчи ёки назорати остида бўлган ўзаро қариндош-уруғ бўлган ходимлар ишлаши мумкин эмас.

Бироқ, амалиётда ўқув ва тарбия муассасаларида бир-бирига бўйсунувчи ёки назорати остида бўлган ўзаро қариндош-уруғларнинг биргаликда меҳнат қилиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Масалан, бир умумий ўрта таълим мактабида директори шартли равишда А.А. мактаб мусиқа фани ўқитувчиси бўлган Б.А.нинг отаси, мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси В.А.нинг қайнотаси, мактаб кадрлар бўйича менежерининг эри ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомнинг 63-бандига асосан умумтаълим муассасасига бевосита раҳбарлик тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари билан келишилган ҳолда ҳудудий халқ таълими бошқармалари томонидан тайинланган директор томонидан амалга оширилади ва умумтаълим муассасаси директори муассасанинг ташкилий-ҳуқуқий, ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий ва молиявий-хўжалик фаолиятининг ташкил этилишига бевосита масъул ҳисобланади. Яъни директор ўз қариндошини ўз номенклатурасига кирувчи лавозимларга ишга қабул қилиши мумкин.

Мактаб директорининг ташкилий-ҳуқуқий фаолиятни ташкил этишга маъсуллигига мисол тариқасида норматив ҳуқуқий ҳужжатдан қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30-сентябрдаги 823-сон қарори билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 9-бандига кўра, педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш, умумтаълим муассасалари ходимларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш умумтаълим муассасаларида ташкил этиладиган устамалар белгилаш, моддий рағбатлантириш ва моддий ёрдам бериш бўйича ишчи гуруҳлар томонидан амалга оширилади ва мазкур Низомнинг 10-бандида ишчи гуруҳ умумтаълим муассасасининг педагогик кенгаши қарори асосида, муассаса директорининг буйруғи билан камида етти кишидан иборат тоқ сонда қуйидаги таркибда тасдиқланиши, **ишчи гуруҳининг раҳбари умумтаълим муассасаси директори ҳисобланиши белгиланган.**

Шунингдек, Низомнинг 15-бандига мувофиқ иккинчи хатбошида ишчи гуруҳ қарори ишчи гуруҳ аъзоларининг оддий кўпчилик овоз бериши йўли билан қабул қилиниши, ишчи гуруҳ раҳбари барча аъзолардан сўнг овоз бериши ва овозлар сони тенг бўлиб қолганда, **ишчи гуруҳ раҳбарининг** овози ҳал қилувчи ҳисобланиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, мактаб директори ўз қариндошига устама белгилаш, моддий рағбатлантиришда ўз хизмат мавқеидан фойдаланиши мумкинлигини истисно қилиб бўлмайди. Кўриб турганингиздек мазкур ҳолатда қонунийлик ҳужжатини ўзи манфаатлар тўқнашуви юзага келиши учун шароит яратиб бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасида “Давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Давлат органларининг махсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.” деб белгиланган.

Юқоридагилар умумтаълим муассасаси директори фаолиятида юз бериши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг бир шакли ҳисобланади холос. Шундай ҳолатларни юз бермаслиги учун жорий ҳолатда умумтаълим муассасаси ходимларидан ҳалоллик, ўз касбига содиқлик талаб қилинса, келгусида қонунчилик ҳужжатларига тегишли тартибда бундай ҳолатларни олдини олувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши талаб қилинади.

Бобурмирзо Турғунов

Ўзбекистон тумани адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсулти

2022-10-18 10:29:52